

ХФР

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№40, 2023-yil
11-oktabr,
chorshanba (32.786)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



**ЯНГИ САЙЛОВ
ТИЗИМИГА КЎРА,
НАВБАТДАГИ
САЙЛОВДАН БОШЛАБ
ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАРДАН
ЎЗЛАРИНИНГ
ФРАКЦИЯСИНИ
ТУЗИШИ УЧУН
ҲОЗИРГИДЕК 9 НАФАР
ДЕПУТАТЛИК ЎРНИ
ЭМАС, БАЛКИ 5 НАФАР
ДЕПУТАТЛИК ЎРНИ
ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ.
ЯЪНИ, 5 НАФАР
ДЕПУТАТ БИЛАН ҲАМ
ФРАКЦИЯ ТАШКИЛ
ЭТИШ МУМКИН
БЎЛАДИ.**



СОЛИҚ ҚАРЗЛАРИНИ ОЛТИ ОЙ ИЧИДА БЎЛИБ ТЎЛАШ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

– Ушбу қонун лойиҳаси билан 7 та кодекс, 18 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда, – деди қўмига раиси Шарофиддин Назаров. – Яъни, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонунда белгиланган солиқ солишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш жараёнида жорий солиқ тўловларини тўлашни тўхтатиб туриш ва мазкур тартиб-таомил яқунлангач, солиқ қарзларини олти ой ичида тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш, қарздор юридик ва жисмоний шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкани сотишдан тушган маблағларнинг қарздор-

ликни тўлашга йўналтирилган қисмини даромад сифатида ҳисобга олмасликни назарда тутиш белгиланмоқда.

Шунингдек, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган адвокатлар суд бошқарувчиси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқи берилганлиги муносабати билан "Адвокатура тўғрисида"ги қонунга ҳам қўшимча киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар ва мутахассислар томонидан билдирилган таклифлар атрофлича кўриб чиқилди. Лойиҳага улар асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, бир қатор тахририй тузатишлар қилинди, – деди Ш.Назаров.

Моддама-модда муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

**Мухтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.**

МАМНУН БЎЛИШГА ҲАЛИ БОР

МАМЛАКАТ НОРМАЛ РИВОЖЛАНИШИ БИР ҚАНЧА ОМИЛЛАР, ХУСУСАН, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ҚАНЧАЛИК ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАШИГА БОҒЛИҚ. КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЭГА ҚАЙСИ ДАВЛАТНИ ОЛМАНГ, У ЕРДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР РЕАЛ ИШЛАЙДИ. БУНГА БИР-ИККИ ЙИЛДА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. ЛЕКИН, ШУ БИЛАН БИРГА, ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН АМАЛГА ОШИБ ҚОЛМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН ФАОЛЛАР, ФИДОЙИЛАР, СЎРАБ ТУРУВЧИЛАР, ЖАВОБ БЕРИШГА УНДОВЧИЛАР, ЯЪНИ СИЁСИЙ ТУЗИЛМАЛАР ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

3



ЎЗБЕКИСТОНДА 9 ОЙДА 716 885 НАФАР ТУҒИЛИШ ҚАЙД ЭТИЛГАН
Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЕ органлари томонидан Ўзбекистон Республикасида 716 885 нафар тирик туғилиш ҳолатлари қайд этилган.
Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,1%га ошган.
2023 йилнинг 9 ойида туғилганларнинг 371 597 нафари ўғил болалар, 345 288 нафари қиз болалар.



**НАРХ
ЭМАС,
КОЭФФИЦИЕНТ ЎЗГАРДИ**

5 САҲИФА



**ЎСИМЛИК МОЙИ
ЕТАРЛИМИ?**

7 САҲИФА

PARLAMENT MUHOKAMASI



ОРТА ҚОЛАЁТГАН 2023 ЙИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР МУСТАҲҚАМЛАНГАНИ БИЛАН ТАРИХДА ҚОЛСА КЕРАК.

КЕЧА, 10 ОКТАБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

БАРЧА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИ ЮРТИМИЗ САЙЛОВ ТИЗИМИ ҲАМ ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧНИ БОСИБ ЎТМОҚДА. АЙНИ ШУ БОСҚИЧ КЎПЧИЛЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН ЭНГ МУҲИМИ, ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, КЕЧА МАЖЛИСДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАРНИ АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА ЛОЙИХА КИРИТИЛДИ.

Мазкур қонун бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси эди. Биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилганига қарамасдан, қонун лойиҳасида муҳим меъёрлар чуқур муҳокамадан ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш, яъни **қуйи палатанинг 75 нафар депутати аввалгидек мажоритар, қолган 75 нафари эса пропорционал сайлов тизими асосида сайланиши белгиланмоқда.**

Сайловларнинг мажоритар ва пропорционал тизимини назарда тутувчи қондалар Сайлов кодексига ҳам киритилмоқда. Бунда партиясиз рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланмоқда. Яъни, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати амалдагидек мажоритар тизим асосида бир мандатли 75 та сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса сиёсий партиясиз рўйхати бўйича янги таклиф этилаётган пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланмоқда.

Пропорционал сайлов тизимига кўра, 75 нафар депутатлик ўрни учун ҳар бир сиёсий партиясиз камидан 75 нафар, кўпи билан 100 нафар номзодлар рўйхатини шакллантиради ва Марказий сайлов комиссияси тақдим қилади.

Сайловнинг шаффофлигини таъминлаш ва сайловчиларга ортиқча қийинчиликлар туғдирмаслик учун ҳар бир сайлов участкасида сиёсий партиясиз камидан кўрсатилаётган номзодларнинг тўлиқ рўйхати бўлади. Сайлов участкасига борган сайловчи номзодлар рўйхати билан танишиб, ўзи овоз беришни истаган партиясиз номзодлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. **Умумий сайловчиларнинг камидан 7 фоиз овозини тўплай олган сиёсий партиясиз пропорционал сайлов тизими учун ажратилган 75 нафар депутатлик ўрнидан маълум қисмини олиши мумкин бўлади.**

Масалан, юртимизда фаолият юритаётган 5 та сиёсий партиясизнинг 3 таси умумий сай-

75 га 75

ловчиларнинг 7 фоиздан кўпроғининг овозини тўплади. Шундай ҳолатда ҳар бир партиясиз 75 нафар депутатлик ўрнидан ўзи тўплаган овозларга пропорционал депутатлик ўрнига эга бўлади.

Янги сайлов тизимига кўра, навбатдаги сайловдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиясиз депутатларнинг фракциясини тўзиши учун **ҳозиргидек 9 нафар депутатлик ўрни эмас, балки 5 нафар депутатлик ўрни талаб қилинади. Яъни, 5 нафар депутат билан ҳам фракция ташкил этиш мумкин бўлади.**

Қонун лойиҳасининг яна бир эътиборига молик жиҳати, пропорционал тизим учун ҳам гендер тенглигини таъминлаш мақсадида худди мажоритар тизимдагидек, **номзодларнинг камидан 30 фоиз аёллар бўлиши назарда тутилмоқда.**

Ўз-ўзидан савол туғилади: агар партиясиз пропорционал тизим бўйича 10 та депутатлик ўрнига эга бўлса-ю, партиясиз тақдим қилган рўйхатнинг бошидан фақат эркеклар жой олган бўлса-чи? Бундай ҳолат бўлиши мумкинлигини инобатга олган қонун ижодкорлари рўйхатни шакллантириш тартибини қатъий белгилаб қўйишган. Унга кўра, ҳар уч номзоддан биттаси албатта аёл бўлиши кераклиги аниқ бўлган қўйилган. Масалан, қайсидир партиясиз 6 нафар депутатлик ўрнига эга бўлса, албатта, улардан икки нафари аёл киши бўлади. Агар 10 нафар бўлса, камидан 3 нафари аёл киши бўлади.

Ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов натижаларини аниқлаш ва депутатлик ўринларини тақсимлаш тартиби, Марказий сайлов комиссияси аъзолари сонини камидан ўн беш нафардан тўққиз нафарга тушириш, унинг камидан бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон вакили бўлиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссиясининг раиси беш йиллик муддатга сайланиши, айтиш билан шакллантириш тартибини тақсимлаш тартиби, Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги қонун лойиҳасида акс этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни, ҳозир амалдаги мутлақ кўпчилик (50 фоиздан юқори) эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилмоқда. Бу ортиқча овозларчилик ва мутлақ кўп овоз йиғилмаган тақдирда қайта сайлов ўтказиш заруратини бекор қилади.

» **Қонун лойиҳаси билан бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни, ҳозир амалдаги мутлақ кўпчилик (50 фоиздан юқори) эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилмоқда. Бу ортиқча овозларчилик ва мутлақ кўп овоз йиғилмаган тақдирда қайта сайлов ўтказиш заруратини бекор қилади.**

Лойиҳа муҳокамаи долзарблиги ва аҳамиятидан келиб чиқиб узоқ давом этди. Депутатлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича саволларни ўртага ташлашди. Шундай саволлардан бири, икки хил йўл билан сайланган депутатларнинг мақоми ва уларнинг депутатликдан маҳрум қилиниши масаласи бўлди. **Дарҳақиқат, депутат ўзига юклатилган вазифани бажара олмаса, уни мавқидан маҳрум қилишнинг ҳам тартиб-таомили бўлиши зарурат аслида.**

Муҳокамалар узоқ ва қизгин давом этди. Депутатлар томонидан айрилган ҳар бир фикр ўринли, мазмунли бўлди. Бир-бирининг фикрини маъқулламастик ҳолатлари ҳам учраб турди. Бу – табиий жараён. Тамоман бошқа-бошқа шахсларнинг фикри бир жойдан чиқмаслиги мумкин ҳолат. Аслида жамиятларни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳам ғоя ва фикрларнинг хилма-хиллигидир. Кимдир парламент фикрлар хилма-хиллиги ва ғоялар кураши бўладиган даргоҳ деса, яна кимдир парламент мамлакат ҳаётига доир масалаларга биргаликда ечим топиладиган жой, дейди.

Шу тариқа лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазалар тинглангандан кейин Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиясиз фракциялари ўз позицияларини билдиришди. Хусусан:

Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятгов қуйидаги фикрларни билдирди:

– Конституциявий қонун лойиҳаси пропорционал ва мажоритар сайлов тизимларининг кучли жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган.

Биринчидан, аралаш сайлов тизимида сиёсий партиясиз етакчи ўринга чиқади. Фикрлар, ҳаётий ғоя ва дастурлар ўртасида рақобат кучаяди. Айтиш билан жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллик, фуқаролик маърифати изчил ривожланади.

Иккинчидан, пропорционал механизм бўйича бутун Ўзбекистон ягона сайлов округи деб белгиланиши таклиф этилаётгани мамлакатимизда сиёсий бирдамликка асосланган янги демократик муҳитни юзага келтиради.

Учинчидан, қонун лойиҳасида сайлов ва референдум жараёнларини дунёдаги илғор тажрибалар даражасида ташкил этиш бўйича муҳим янги меъёрлар белгиланмоқда.

Шу жиҳатдан Конституциявий қонун лойиҳаси фуқароларнинг, халқимизнинг давлат бошқарувида иштирок этишдек устувор ҳуқуқидан фойдаланиши учун янги имкониятларни очади.

Ушбу муҳим қонун лойиҳасининг долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясизнинг қуйи тузилмалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партиясиз гуруҳларидан ҳам фикр ва таклифлар олиш режалаштирилган. Лойиҳа барча жиҳатдан чуқур таҳлил қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

ЎХДП фракцияси раҳбари давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиясизнинг ролин кучайтиришга хизмат қиладиган Конституциявий қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, бошқа депутатларни ҳам шунга чақирди.

Жонли ва қизгин ўтган мажлисда депутатлар лойиҳанинг айрим камчиликларини, аниқлик киритилиши керак бўлган жиҳатларини кўрсатиб ўтган ҳолда, Конституциявий қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. **Лойиҳа жамоатчилик муҳокамаи учун норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталига ва парламент қуйи палатаси расмий сайтига жойлаштириладиган бўлди.**

Мажлисда кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ

III. Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

<p> Республиканинг сув ресурслари баланси ишлаб чиқилади ва сув ресурслари доимий равишда мониторинг қилиб борилади</p> <p> Сув етказиш тизимидаги тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш дастури ишлаб чиқилади</p> <p> Гилам ва автомобиллар ювиш шохобчалари фаолиятида сувни тежовчи ва қайта ишловчи технологияларни (циркуляр) жорий этиш тартиби ишлаб чиқилади</p> <p> Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50 – 100 минг аҳоли учун “жамоат парклари” ташкил қилинади</p> <p> Ҳар йили баҳорда 125 миллион туп ва кузда 75 миллион туп монзарали, мевали дарахтлар ва буталар кўчатлари экилади</p>	<p> Республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси 30 фоизга етказилади</p> <p> Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,3 миллион гектарга етказилади</p> <p> Оролбўйи минтақасида чанг бўронларнинг шаклланиш шароитлари ва тарқалиш минтақаларини прогноزلатиш дастури жорий қилинади</p> <p> “Зарафшон” миллий табиат боғи 2 минг гектарга, “Сурхон” ва “Нурота” давлат кўриқхоналари ҳудуди 4-5 минг гектарга кенгайтирилади</p> <p> Қаттиқ наиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан қамраб олинмаган маҳаллалар хатловдан ўтказилади ва аҳолини чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш чоралари кўрилади</p>
---	--

МАМЛАКАТ НОРМАЛ РИВОЖЛАНИШИ БИР ҚАНЧА ОМИЛЛАР, ХУСУСАН, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ҚАНЧАЛИК ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАШИГА БОҒЛИҚ. КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЭГА ҚАЙСИ ДАВЛАТНИ ОЛМАНГ, У ЕРДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР РЕАЛ ИШЛАЙДИ. БУНГА БИР-ИККИ ЙИЛДА ЭРИШИШ БЎЛМАЙДИ. ЛЕКИН, ШУ БИЛАН БИРГА, ИСЛОХОТЛАР ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН АМАЛГА ОШИБ ҚОЛМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН ФАОЛЛАР, ФИДОЙИЛАР, СЎРАБ ТУРУВЧИЛАР, ЖАВОБ БЕРИШГА УНДОВЧИЛАР, ЯЪНИ СИЁСИЙ ТУЗИЛМАЛАР ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

10 ЙИЛ ОЛДИН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИДА ҚАНЧА ВАКОЛАТ БОР ЭДИ? ҲОЗИР РЕАЛ ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?..

БУГУН БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАР ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОРГА АЙЛАНДИ. АММО ҲИСОБ СЎРАЙ ОЛИШ УЧУН МЕҲНАТ ВА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЕРАК. АКСАРИЯТ ДЕПУТАТЛАР МУТАСАДДИЛАРДАН ҲИСОБ СЎРАШГА ТАЙЁРМИ? САВОЛНИ БУ ТАРЗДА ҚЎЙСАК, ЖАВОБ ВА ФИКРЛАР БИР ҚАДАР ЎЗГАРАДИ.

АЙНИ ПАЙТДА ЮРТИМИЗДА ДЕПУТАТЛИК МАҚОМИГА ЭГА КИШИЛАРНИНГ НЕЧА ФОИЗИ ШУ НОМГА МУНОСИБ, ҚАНЧАСИ ШУНЧАКИ ЮРИБДИ – АНИҚ АЙТИШ ҚИЙИН. НИСБАТАН ТЎҒРИРОҚ ЖАВОБНИ ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИГА БЕВОСИТА НАЗАР ТАШЛАШ ОРҚАЛИГИНА БИЛИШ МУМКИН.



МАМНУН БЎЛИШГА ҚАЛИ БОР

СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТИЛДИ

Маҳаллий Кенгашларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 1500 нафарга яқин депутат фаолият юритади. Партия Сайловди дастуридаги мақсад-вазифаларни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унга биноан октябрь ойига қадар 800 дан ортиқ масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Амалда маълумотларга кўра, 600 га яқин масала партия гуруҳларида муҳокама қилиниб, шундан доимий комиссияларда 422 таси, сессияларда эса 371 таси кўриб чиқилган.

Таҳлилларга кўра, сессияга киритилган масалаларнинг аксарият қисми аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқдир ва улар 89 тани ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига оид 68 масала, таълим тизимини ривожлантириш, мактабга-ча таълим муассасалари фаолияти бўйича 48 та масала сессияга киритилган.

Шунингдек, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини яхшилаш, намунавий маиший хизмат комплексларини ташкил этиш ҳамда транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш каби қатор масалалар депутатлар томонидан ўрганилиб, сессия қарорлари қабул қилинишига эришилган.

Аслида сон эмас, иш сифати муҳим саналади. Шундай экан, доимий комиссия ва сессияларда кўрилган масалаларнинг ижроси назоратга олинганми, ечимини бўйича ишлар якунига етказилганми-йўқми, деган саволларнинг жавобига қараб натижани баҳолаш мумкин. Бу эса бевосита маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари масъулияти ва виждонига боғлиқ.

Бир нарса аниқки, ўз ишининг устаси бўлган ва қонуний ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан тўғри фойдалана олган депутатнинг сўзи ерда қолмайди. Яъни, у ўрганилган масаланинг тақдирига бефарқ бўлмайди, унинг охирига етмай қўймайди. Лоқайд, бефарқ халқ вакиллари эса "сессияга масала киритдим, ишимни зўр бажардим", деган хулоса билан хотиржамликка берилади ва хато қилади. Чунки ҳақиқий иш сессиядан сўнг бошланади. Унда қабул қилинган қарор асосида бирор бир ҳудуддаги муаммо ечим топади, одамларнинг мушукули осон бўлади. Вазифасига садоқатли депутат эса масала ҳал бўлмагунча қадар ҳаловат топмайди.

Масалан, самарқандлик ва тошкентлик депутатлари ана шундай қалби уйғоқ кишилар сирасига киритиш мумкин. Гап шундаки, сон жиҳатдан бошқа ҳудудлардан кам бўли-

шига қарамай, ушбу ҳудудларда доимий комиссия ва сессияларга киритилган масалалар сони анча юқори.

Айтайлик, Самарқанд вилоят Кенгашида 8, туман ва шаҳарларда 109 нафар вакилиги эга депутатлик корпуси аъзолари 43 та масалани сессияга киритишга муваффақ бўлган. Андижондаги депутатлар сони улардан кўп бўлса-да, ҳозирча 16 та масала билан кифояланган.

Тошкентда 61, Сирдарёда эса 84 нафар ХДПдан сайланган депутатлар фаолият кўрсатади. Сирдарёликлар 10 та масалани сессияга киритган бўлса, пойтахтлик вакиллар 44 та масала юзасидан сессия қарори қабул қилинишига эришган.

Боймурод ЮСУПОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

— Партия гуруҳи аъзоларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан тўлиқ фойдаланиши долзарб масала. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муҳим масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳларининг роли ва иштироки сезиларли даражада ошмоқда.

Ҳокимларнинг ҳар йили ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалалари юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериши бўйича мониторинг олиб борилмоқда. Партия гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти якунига доир қарорларида фақат тавсиялар эмас, балки чуқур асосланган, қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар, кўрсатмалар бўлишига эришилмоқда.

Қонун нормаларининг халқчиллигини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаларини «марказ – вилоят – туман» тизими асосида партия куйи бўғинларида ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида муҳокама қилиш, уларнинг таклифларини олиш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Ижроси ўрганилган қонунларни такомиллаштириш, замон талабларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар фракцияга тақдим этиб келинапти.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган "Депутат маҳаллада", "Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш" лойиҳалари самарали амалга ошириляпти. Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Мулоқотда республика даражасида ҳал

» **Депутат, партия гуруҳи фаолияти давомида нафақат ўзи, балки сиёсий партиянинг кучини намоён этади. Депутатлар фаолияти кўламига қараб партиялар ҳақида хулоса қилиниши ҳам бежиз эмас.**

бўладиган масалаларни партия фракцияси-га, вилоят даражасида ҳал бўладиган масалаларни партия гуруҳи орқали вилоят Кенгаши ҳамда туман даражасида ҳал бўладиган масалаларни туман Кенгаши сессияси муҳокама олиб чиқиш тартиби жорий этилди.

Депутатларнинг долзарб масалалар бўйича аниқ позицияга эга бўлиши, фикр-мулоҳаза билдириши, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ташаббуслар илгари суриши бутун фаолиятимизни янги раҳна руҳ билан кучайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

Маълум бўлишича, депутатлик сўрови юборишда ҳам рақамларда ўзгаришлар бор. Масалан, ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган 3601 та депутатлик сўрови масъулларга юборилган. Унинг аксарият қисми, яъни 2353 таси бўйича ижобий жавоб олинган. Англашиладики, масалаларнинг 60 фоиздан ошиги ечим топган.

Бу йўналишда фарғоналикларга тенг келадигани бўлмаган. Мазкур ҳудудда ХДПдан сайланган 132 нафар депутат 459 та сўров юборган. Уларнинг 90 фоиздан ортиғи ёки 419 таси ижобий ечим топган. Бу эса камда шунча одам ва уларнинг оиласига кўмак берилгани, масаласи ҳал этилганини англатади.

Сессияга масала киритишда ҳам илғорлар сафида бўлган хоразмлик ноиблар 315 та сўров юборишга эришган. Аммо негадир юборилган депутатлик сўровларининг 210 тасига жавоб берилган.

Рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Андижон вилоятидаги сўровлар сони 100 тадан камлигини кўриш мумкин. Бунда мазкур ҳудудларда муаммолар йўқдирда, деган хулосага келса ҳам бўлади. Аммо Ҳаракат дастуридан ўрин олган масалалар, ечимини кутаётган камчиликлар оз эмаслигидан далолатдир.

Мисол учун, Наманганда 140 нафарга яқин ХДПдан сайланган ноиблар бор. Улар 8 ойда 200 та сўров юборган. Ҳаракатлар дастури бўйича белгиланган масалаларнинг кам қисми сессияларда муҳокама этилган.

Депутатлар вақт сарфлаб юборган сўровининг тақдирини у қадар ҳавотирда эмасдек гўё. Акс ҳолда, уларнинг ечимига эришиш учун масъулларнинг эшигини такрор ва такрор тақиллатишдан эринмаган бўлишарди. 200 та сўровнинг атиги 70 дан ортиғига жавоб берилган. Қолганларининг тақдирини ҳали номанъул.

Албатта, бу рақамлар жойлардаги партия гуруҳлари фаолиятидаги ҳақиқий ҳолатни англамайди. Реал кўрсаткичлар ўзгарган ёки фарқ қилиши мумкин. Асосий масала фақат рақамларда эмас.

ЭШИТУВЛАР СОНИ

Маълумки, партия гуруҳлари фаолиятида ҳар бир ҳудуднинг раҳбар ва мансабдор шахсларининг ахборот ҳамда ҳисобларини эшитиш ҳам йўлга қўйилган. Бу орқали жойларда олиб борилаётган ишларнинг соҳалар кесимидаги ҳолати, таҳлили, шунингдек, бюджет маблағларининг самарали сарфланиши каби масалалар ҳақида маълумот берилди. Жорий йилнинг 8 ойида партия гуруҳлари ташаббуси билан ана шундай йиғилишларнинг 318 таси ўтказилган.

Ҳисобот ва ахборот давомида олиб борилган ишлар билан бир қаторда, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилади. Депутатлар ўз ҳудудларидаги муаммоларга ечим топиш юзасидан масъулларга саволлар билан мурожаат қилади. Муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз таклиф ҳамда фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириши лозим. Агар ҳар бир эшитув шу тарихга ўтказилса, анча масалага ойдинлик киритилиб, ечимини осонлашади.

ХУЛОСА

Масалани ўрганиш, сессияларга киритиш, депутат сўрови юбориш, масъуллар ахбороти ёки ҳисоботини эшитиш – буларнинг барчасида аввало халқ манфаати ётади. Сессияга киритилган масаланинг моҳияти, унинг ўрганилганлик даражаси, ёндашув орқали депутат ёки депутатлик гуруҳининг савияси намоён бўлади. Юзакилик эса билимсизлик, ҳуқуқий жасоратнинг етишмаслигидан далолатдир.

Депутат, партия гуруҳи фаолияти давомида нафақат ўзи, балки сиёсий партиянинг кучини намоён этади. Депутатлар фаолияти кўламига қараб партиялар ҳақида хулоса қилиниши ҳам бежиз эмас.

Ҳар бир вакил зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилса, биринчи навбатда одамларнинг ишончини қозонади, виждони олдида ўзини оқлаган бўлади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

ORAMIZDAGI
ODAMLAR

ИШИ ҲАЁТИГА АЙЛАНИБ КЕТГАН

98 йил — бу 2 қадам кам бир аср, дегани. Инсон бу ёшда ҳар доим ҳам тетик, бардам-бақаввут бўлавермайди, бўлолмайдими. Бироқ шундай одамлар борки, уларни кўриб ҳайратланасан, яхши меҳнат қила олмаганинг учун ўзингни койишсан. 98 ёшли отахон мактабда дарс беради, деса жуда камчилик ишонади. Аксарият давраларда бунга ҳеч ким ҳам ишонмайди. Шу ёшда телефон орқали бемалол гаплашиш..!

Эгамшуккур ота Абдиевга минг истихоло билан кўнғироқ қилдик. Тетик овозда салом-алиқдан сўнг шарқона лутфда "онажон" дея мурожаат билан суҳбатни давом эттирдик. Отахон билан яқинроқ танишиш истагида ўзи ҳақида гапириб беришини сўрадик.


— 1953 йилда ўқитувчилик касбида ишлаб бошлаганман. Бу йил роп-роса 70 йил тўлди. Аини пайтда Косон туманидаги 24-мактабда алгебра-геометриядан дарс бераман. Ҳафтага 10 соат дарсим бор, назоратчи сифатида ишлайман. Ававалги йили 25 соат дарс олгандим. Чарчаб қолдим. Шу сабабли бу йил 10 соатга туширдик.

12 нафар фарзандим бор. Биринчи аёлим, раҳматли жуда яхши аёл эди. 10 фарзандни вояга етказдик. Эрта қазо қилди. Аини пайтда кампирим 70 дан ошган. У билан 2 фарзандни тарбиялаб, элга қўшдик. Бир ўғлим Тошкентда "Қобуснома" нашриётида, яна бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари бўлиб ишлайди. Фарзандларимнинг бири ўқитувчи, бири фермер, яна бири тиббиёт ходими. Хуллас, эл қорига яраб турибди. Невага-чеварларим 200 дан ошади. Шогирдларга келсак, саногини билмайман. Бешинчи авлодни ўқитяпман.

— Дастилаб қаерда ишлагансиз ва ўша йилларни қандай хотирлайсиз?

— Иккита олий ўқув юртини тамолаб, Деновдаги мактаблардан бирида иш бошладим. Жуда қийин эди у даврлар. Кунига икки сменада 6 соатдан 12 соат дарс бераман. Кечки курслар учун 2 соат, ТБС дейилар эди шунда ҳам 2 соат ишлайман. Уйга аранг оёқ судраб бораман ва кийимларимни ҳам алмаштирмай, ўтирган жойимда ухлаб қолардим. Урушдан кейинги йиллар, ўқитувчи кам, иш кўп, хотиржам овқатланишга ҳам вақт бўлмасди. Яқшанба кунлари эса пахта далаларини айланай, ким нима иш билан бандлигини назорат қилиш мажбурияти бор эди. Шу тариқа 1962 йилгача ишладим.

Шу йилларда Шеробод деган жойда чўл ўзлаштирила бошлади. Кўплаб қариндош-уруғларимиз чўлга кўчириб келинди. Отанин ҳам тажрибаси бор деб ўша жойга таклиф қилишди. Ўша пайтда "обком секретари"дан рухсат сўраган отамга ёши ўтиб қолгани, ўзини эҳтиёт қилиши тавсия этилади. Чунки отам Денов тўқайини ўзлаштиришда катта хизмат қилган, уруш даврида кўплаб



қийинчиликлар кўрган эди. Шунга қарамай, болаларимиз биз кўрган кунларни кўрмасин, фаровон яшасин, деб чўлга кўчиб боради.

Кейинроқ эса у ерда ўқитувчи йўқлиги маълум бўлади. Шунда отам онамнинг хасталигини баҳона қилиб, мени чўлга олиб кетди ва "мени рози бўлишимни истасанг, шу ерда ишлайсан" деб шарт қўйди. Мен 11-синф ўқувчиларига математика-физика фанидан дарс берардим. Улар битирувчи синф бўлса, қандай ташлаб кетаман, деб отамга ҳарчанд тушунтирсам ҳам, эшитишни истамасди. "Неча минглаб йигит-қизимиз ватан учун урушда ўлиб кетди. Наҳотки сен чўлда яшаб, ишлай олмайсан, шу юрт учун, унинг болалари учун?" деганидан кейин ноилож оилам билан мен ҳам Шеробод чўлларига яшашни давом эттирдим.

У чўлда мактаб деган нарсанинг ўзи йўқ. Хонадонлар ораси бир неча чақирим бўлса. Болалар мактаб деб номланадиган бинога қандай қатнайди, деган ташвишда эдим. Шунда битта трактор билан прицеп беришди. 20 километр масофадан болаларни ўзим териб олиб келишимни айтишди.

На мактаб, на ўқитувчи бор. Чўлнинг ўртасидаимиз. Уйимиз эса ертўлада. Шу тариқа яшаб қолишга ҳаракат қилдик. Водидан келган бир агроном йигит ёнимга келди. Унга мактаб очишимиз кераклиги ҳақида айтдим ва ўқитувчиликни таклиф қилдим. У эса "мен педагог эмас, агрономан, ўқита олмайман", деди. У йигит кимё-биологияни яхши билар эди. Шу фанлардан дарс беришга кўндирдим. Энди икки киши бўлдик.

Кейинроқ эса 10 синфни битирган ўқувчиларимни ишга қақирдим. Чунки бошқа ўқитувчилар чўлга келишни асло истамасди. Улар бир пайтнинг ўзиде ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи эди.

Ерни текислаб, синф хоналар қилдик. Усти ёпилмаган ҳолда ишлаб турдик. Кейинроқ ертўла қовлаб, четларига ёғоч қоқдик, устига чодир ёпдик. Болалар ўти-

риши учун парта ва стул керак эди. Бир амаллаб уларни ҳам топдик. Журнал, дафтар-китоб, қалам, қоғоз умуман, ҳеч нима йўқ эди. Уларнинг ҳам ҳаммасини топдик.

Энди ўқувчи йиғиш керак. Айланиб юриб, ҳар бир чодир ёнига бораман. Қизларни юборишмайди, ўғил болалар чиқади. Амаллаб 10-12 нафар болани йиғиб келаман. 3- ва 7-синфгача бўлган ёшдаги болаларнинг 3-4 нафарини битта синф қилиб ўқитдик.

Уруш вақтлари зоғора едим, кунжара едим, лекин чўлда қийналганимчалик қийинчилик кўрмагандим. Чунки у пайтда фақат ўз жоним учун қайғурардим. Чўлда эса болалар, уларнинг келажagini ўйлаб, азобим икки ҳисса ортарди. Қийинчиликлар билан кечган йиллар ўтиб борди. Чўл обод бўла бошлади. Мактаб қурилди, болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўпайди. 1985 йилгача ўша ердаги мактабда директорлик қилдим. Кейин эса Қашқадарёга қайтдим.

— Салкам бир асрлик умрингиз давомида кўп қийналибсиз. Аини пайтда дам олиш ўрнига ишлаш оғир эмасми?

— Йўқ, аксинча. Ақли-хушим жойида. Ишламасам, касал бўлиб қоламан. Мана, ёзги таътил пайтида бекорчиликдан оғриб ҳам қолдим. Ўтган йили 25 соат дарс беришганди. Ҳар кун 5 соатдан дарс бериб, тўғриси, қийналиб қолдим. Шу сабабли бу йил камроқ дарс ажратишларини сўрадим.

Оёғим оғригани учун пиёда юра олмайман. Шунинг учун шахсий автомашинида ишга бораман. У ерда ўқувчилар ёки ўқитувчилар менга тушиб-чиқишга ёрдам беради. Дарс жараёнида эса ҳатто хассадан ҳам фойдаланмайман. Болалар ҳаётимга айланиб кетган. Уларни кўрмасам, бориб дарс бериб келмасам, кечалари ухлай олмайман. Ўқувчиларнинг борлиги менинг кучимга куч қўшади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

МУНОСАБАТ



ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бир гуруҳ депутатлари, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари "Қорақалпоғистон" посёлкасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон чегараси ҳудудида ўтказилган тарихий воқеага гувоҳ бўлишди. Россиядан Қозоғистон орқали Ўзбекистонга магистраль қувури орқали табиий газ етказиб берилиши бошланди.

Мамлакат иқтисодиёти ривожлангани, саноат ўсгани, аҳоли сони ортгани, уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилгани сари табиий газга талаб ортиб бораверади. Охириги 6-7 йил ичида барча соҳалар ривожини учун кенг йўл очилди.

Мамлакатимизда юзлаб саноат корхоналари, кичик ва ўрта ишлаб чиқариш субъектлари ишга туширилмоқда, ташқи иқтисодий алоқалар, бизнес ҳамкорлик истиқболлари ўсмоқда. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида турар жойлар қурилиши мисли кўрилмаган даражада ошди. Камбағалликни қисқартириш учун минглаб янги иш ўринлари яратилди, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш билан бирга, кўплаб иссиқхоналар қуриб берилди. Буларнинг ҳаммаси энергия, хусусан, табиий газга эҳтиёжини оширмоқда.

Мутасаддиларнинг ахборотида кўра, икки ярим ой ичида 1 минг 700 км. дан ортиқ газ қувурлари ревизия қилинган, таъмирланган, газо-компрессор станциялари реверс режимда ишлашга мослаштириб, газ қувурлари қайта монтаж қилинган, лаборатория текширувлари ўтказилган. Ўзбекистонда янгидан газ ўлчаш станцияси қисқа вақтда қуриб битказилган.

Газ қувури ишга тушиши билан у орқали 2,8 миллиард куб метр табиий газ етказилади. Бу нафақат Қорақалпоғистон, балки Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларигача бўлган ҳудудлардаги аҳолининг эҳтиёжини қондиришга, ҳудуд иқтисодиёти ривожига ҳам хизмат қилади.

Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ривожланиши, тарихий лойиҳалар амалга оширилиши фақат эзгуликларга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон
Республика Кенгаши раиси,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгесидеги ЎзХДП фракцияси
раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНГА САЛКАМ 100 ТОННА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТДИ

Президентнинг махсус вакили Исматулла Иргашев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига зилзиладан жабр кўрган афғон халқига салкам 100 тонна инсонпарварлик ёрдами етказди, деб хабар бермоқда «Дунё» АА мухбири.

ТИВ маълумотида кўра, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан зилзиладан жабр чеккан Афғонистон халқига гуманитар ёрдам юборилди.

Ўзбекистон тарафи юборган ёрдам таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари: ун, бугдой, ёғ, макарон, гўшт маҳсулотлари, гуруч, шакар, чодир ва одаяллар, шунингдек, бирламчи тиббий ёрдам учун зарурий барча воситалар бор.

Инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Иргашев бошчилигида Ҳирот шаҳрига етказилди.

Ўзбекистон делегациясини Афғонистон ҳукумати томонидан тузилган зилзила оқибатларини бартараф қилиш бўйича комиссия раиси Мавлавий Шарофиддин Муслим, раис ўринбосари Аҳмадулло Муттақий ҳамда Транспорт ва фуқаро авиацияси вазири ўринбосари Абдул Саттор Гурволлар қутиб олди.

Юборилган инсонпарварлик ёрдами учун Мавлавий Шарофиддин Муслим Афғонистон ҳукумати ва халқи номидан миннатдорлик изҳор этди.

«Ўзбекистон бизга ҳар доим биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзиб келган биродар мамлакат. Мен ўзим бир неча бор мамлакатингиздан келадиган кўмакни қабул қилиб, жабр кўрган халқимиз ўртасида тақсимлашда иштирок этганман. Биз Афғонистон Ислам Амирилиги ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва халқига чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз. Сизлар энг яхши кўшнимиз сифатида Оллоҳ юборган оғир синов кунларида ҳар доим ёнимизда турасиз. Халқимиз буни ҳеч қачон эсдан чиқармайди», деди Мавлавий Шарофиддин Муслим.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистоннинг ғарбий вилоятларида содир бўлган зилзила оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ва кенг кўламли вайронгарчиликлар юзага келгани муносабати билан баёнот берди ва зилзила қурбонларининг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

ОАВ маълумотларига кўра, Афғонистон шимоли-ғарбидаги Ҳирот вилоятида содир бўлган зилзила оқибатида 2 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган, 9000 дан ортиқ киши жароҳатланган. АҚШ Геология хизмати хабарига кўра, Ҳиротда 7 октябрь кун маҳаллий вақт билан соат 11:00 атрофида (Тошкентда 10:30) 8 дақиқалик интервал билан зилзилалар содир бўлган. Ер силкинишлари магнитудаси 4,6 дан 6,3 баллгача бўлган.



OCHIQ GAP



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ:

НАРХЭМАС, КОЭФФИЦИЕНТ ЎЗГАРДИ

ЖОРИЙ ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК ИСТЕЪМОЛИ УЧУН ТЎЛОВ МИҚДОРИГА ЎСУВЧАН КОЭФФИЦИЕНТ ҚЎЛЛАНИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ. БУ ҲОЛАТ ТУРЛИЧА ТАЛҚИН ҚИЛИНМОҚДА. ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ КОТИБИ ҲУСАН ТОШХЎЖАЕВ УШБУ МАСАЛАДА ТУШУНТИРИШ БЕРДИ.

– Аввало шуни айтиш керакки, ўсувчан коэффицент аҳоли истеъмолчиларининг 98 фоизига мутлақо таъсир қилмайди. Чунки мамлакатимиздаги 7 миллион 589 мингдан зиёд абонентнинг атиги 146 мингдан ортиги 1000 киловатт/соатдан кўп электр энергияси ёқади, холос. Уларнинг атиги 10 минг нафаригина ойига 5 минг киловатт/соатдан ошқ, бор-йўғи 4 мингдан ортиқ истеъмолчи эса ойига 10 минг киловатт/соатдан зиёд электр энергияси истеъмол қилади.

Бизни хурсанд қиладиган жиҳати, бу янгиликни кўпчилик соғлом ақл билан тўғри қабул қиляпти ва қўллаб-қувватламақда. Шунга қарамай, истеъмолчиларда қўшимча саволлар пайдо бўлмаслиги учун қисқача тушунтириш бериб ўтмоқчиман.

Аввало, тариф нархи ошаётгани йўқ. Ўша 295 сўм жой-жойида турибди. Яъни 1 ноябрдан маиший истеъмолчиларга 1000 кВтдан кўп электр энергия истеъмолчи учун белгиланган тарифга нисбатан 4 баробаргача ўсувчи коэффицент қўлланилади. Бу ҳукуматнинг электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибига оид қарорига киритилган ўзгартиришларда акс этган. Аммо одамларда тежамкорлик кайфиятини кучайтириш ҳамда "яширин иқтисодиёт" унсуруларига барҳам бериш учун қўшимча ўсувчан коэффицент қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Бунда сиз бир ойда 1000 киловатт/соатгача электр энергияси сарфласангиз, 295 сўмдан 295 минг сўм тўлайсиз. 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача сарфласангиз, 1000 киловатт/соат учун 295 сўмдан 295 минг, айтилик, 4850 киловатт/соат ёққан бўлсангиз, 1001 дан 4850 гача 590 сўмдан 2 миллион 271 минг 500 сўм+295 минг сўм=жами 2 миллион 566 минг 500 сўм тўлайсиз.

Олдин сиз бунинг учун жами 1 миллион 430 минг 750 сўм тўлардингиз, холос.

» **Ўсувчан коэффицентгача эса бир ойда 9420 киловатт/соат сарфлаган истеъмолчи бунга 2 миллион 778 минг 900 сўм тўларди. Яъни, у бир ойда 6 миллион 358 минг 500 сўм шартли субсидия олгани ҳолда, аҳолининг қолган 98 фоиз қисмидан кўра бир неча ўн карра кўпроқ электр энергиясини истеъмол қиларди.**

Агар бир ойда 9420 киловатт/соат ишлатсангиз-чи? Худди боягидек 1000 киловатт/соат учун 295 минг сўм, 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача 590 сўмдан 2 миллион 360 минг сўм, 5001 киловатт/соатдан 9420 киловатт/соатгача 3 миллион 911 минг 700 сўм, жами 6 миллион 566 минг 700 сўм тўлов қиласиз.

Ўсувчан коэффицентгача эса бир ойда 9420 киловатт/соат сарфлаган истеъмолчи бунга 2 миллион 778 минг 900 сўм тўларди. Яъни, у бир ойда 6 миллион 358 минг 500 сўм шартли субсидия олгани ҳолда, аҳолининг қолган 98 фоиз қисмидан кўра бир неча ўн карра кўпроқ электр энергиясини истеъмол қиларди.

Хуллас, 1 ноябрдан кейин бунга чек қўйилади. Худди шу ўсувчан тариф 10 минг киловатт/соатдан зиёд ток ишла-

тадиганларга ҳам қўлланилмоқда. Энди кимда-ким бундан кўп свет ёқса, у учун белгиланган тарифга нисбатан 4 баробар ўсувчи коэффицент қўлланилади. Яъни, сиз бир ойда 12 минг 400 киловатт/соат сарфласангиз, (ақл бовар қилмайди, аммо ҳозир ҳам худди шу миқдорда электр энергияси ёқадиганлар бор) унга куйидагича тўлов қиласиз.

1000 киловатт/соатгача – 295 сўмдан – 295 минг сўм.

1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача – 590 сўмдан – 2 миллион 360 минг сўм.

5001 киловатт/соатдан 10 минг киловатт/соатгача – 885 сўмдан – 4 миллион 425 минг сўм.

10 минг киловатт/соатдан 12 минг 400 киловатт/соатгача – 1180 сўмдан – 2 миллион 832 минг сўм.

Жами: 9 миллион 912 минг сўм.

1 ноябргача эса худди шунча миқдорда электр энергияси истеъмол қилган абонент 3 миллион 658 минг сўм тўларди, холос. Шу билан бирга, у давлатдан 8 миллион 370 минг сўм шартли субсидия ҳам оларди.

Бир сўз билан айтганда, ўсувчан коэффицентлар адолатли ҳамда энергия тежамкор ва энергия самарадор ечим бўлмоқда.

Бундан ташқари, жамоатчилик фаоллари 1 ноябрдан бошлаб бир хонадонда бирданига учта кондиционер уланса, ҳисоблагич токни автоматик тарзда узади ёки ҳисоблагич орқали 10-15 кВт қувват доирасида чеклов киритилиши ҳақида гаплар тарқатди. Бу масала бўйича ҳам «Худудий электр тармоқлари» матбуот хизмати ўз муносабатини билдирди.

– Республикаимизда 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб истеъмолчиларга эҳтиёжлари учун зарур бўлган қурилмаларнинг минимал қувватидан (ҳамда жойлашган худудидан) келиб чиқиб, ҳисоблагич орқали 10–15 кВт қувват доирасида чеклов киритилади. Яъни, чеклов жорий қилиниши – реал ҳақиқат. Бундай чора эскирган ва ортиқча юклама билан ишлаётган электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари жойлашган маълум бир худудларда истеъмолчиларни узоқ вақт электр таъминотидан узилиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида зарурат юзасидан қўлланилади. Яъни, қиш ва ёз ойларида кузатилган ноқулай об-ҳаво шароити каби вазиятлардагина маълум бир вақт оралмида электр тармоқларига ортиқча юкламалар тушишининг олдини олиш учун амалга оширилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



УЙМА-УЙ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хўжайли туман кенгаши ва халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан аҳоли мурожаатларини ўрганиш юзасидан "Уйма-уй" лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳа доирасида Хўжайли туман "Сабиқ" маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, маҳалладаги ижтимоий кўмакка муҳтож, "Аёллар дафтари"га киритилган, ноғиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган хотин-қизлар ҳолидан хабар олинди. Фуқароларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Худди шундай тадбир Шуманай туман Кенгаши ва халқ депутатлари Шуманай туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан ҳам амалга оширилди.



ШУМАНАЙДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шуманай туман кенгаши томонидан "Оналик ва болалик муҳофазаси доимий эътиборда" мавзусида тадбир ўтказилди. Лойиҳа доирасида хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўриқда 20 нафардан ортиқ хотин-қизлар ва 8 нафар болаларнинг саломатлиги ўрганилиб, зарурий хулосалар ва кўрсатмалар тавсия қилинди. Касаллиги аниқланган 1 нафар аёлга ордер ва бепул дори-дармонлар берилди.



ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ МУАММОЛАРНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМИ

Халқ билан мулоқот қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш орқали одамларни қийнаётган масалаларга ечим топиш, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида худудларни ривожлантириш, аҳоли яшаш массивларида инфратузилмаларни яхшилаш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесга қулай шароитларни яратиш каби кенг қўламли ишларни амалга оширишда жойлардаги секторлар фаолияти самарали бўлмоқда.

Ўзбекистон ХДП Нишон тумани кенгаши раиси А. Беккамов томонидан аҳолининг муаммоларини ўрганиш ва уларни қийнаб келаётган масалаларни жойида ҳал этиш мақсадида кўплаб сайёр қабуллар ташкил этиб келинмоқда. Халқ билан мулоқот муаммоларининг самарали ечими мавзусида навбатдаги ўрганишлар туманнинг олис худудларидан бири «Истиқбол» МФЙ худудида бўлиб ўтди.

Қабул давомида аҳолининг муаммолари ва мурожаатлари юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

ЎзХДП Ахборот хизмати.

SOG'LIQNI SAQLASH BOSHQARMALARI XALQ DEPUTATLARI KENGASHLARIGA HISOBOT BERADI



QONUNGA KO'RA

Prezident tomonidan imzolangan Qonun (O'RQ-870, 04.10.2023 y) bilan ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimcha kiritildi

"Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi qonunga kiritilgan o'zgartirishga ko'ra, viloyatlar sog'liqni saqlash boshqarmalari va Toshkent shahar sog'liqni saqlash bosh boshqarmasi rahbarlari har yarim yillik yakunlari bo'yicha tegishincha Xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahar Kengashlariga hisobot taqdim etadi.



HISOBOTNI ESHTITISH

Mazkur hisobotni eshitisht yakunlari bo'yicha tegishli xalq deputatlari Kengashi tomonidan ularning faoliyati samaradorligiga baho beriladi hamda tegishli qaror qabul qilinib, qaror sog'liqni saqlash vazirligiga yuboriladi

HAR YARIM YILLIK YAKUNLARI BO'YICHA HISOBOT TAQDIM ETADI

Bundan tashqari, tuman (shahar) tibbiyot birlashmalarining rahbarlari har yarim yillik yakunlari bo'yicha tegishincha Xalq deputatlari tuman (shahar) Kengashlariga hisobot taqdim etadi



HISOBOTNI ESHTITISH YAKUNLARI BO'YICHA

Mazkur hisobotni eshitisht yakunlari bo'yicha tegishli xalq deputatlari Kengashi tomonidan qaror qabul qilinib, qaror sog'liqni saqlashni boshqarish hududiy organlariga yuboriladi.



Shuningdek, "Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari to'g'risida"gi qonunga kiritilgan o'zgartirishga ko'ra, fuqarolar yig'ini, tegishincha aholi birlashtirilgan, tuman (shahar) ko'p tarmoqli markaziy poliklinikalari, oilaviy poliklinikalari va oilaviy shifokor punktlari rahbarlarining axborotini eshittadi.

КУЧЛИ АЁЛ

ЖАМИЯТИМИЗДА КУЧЛИ АЁЛЛАР КЎПАЙИШИ ШАРТ. ТУРМУШ ВА ТАҚДИР ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИДАН ҚЎРҚМАЙ, ЕНГАДИГАН, ФАРЗАНДАРНИ ҲАМ ШУНГА ЎРГАТАДИГАН АЁЛЛАР АВВАЛО ЎЗИНИ, КЕЙИН АТРОФИДАГИЛАРНИ МЕХРЛИ ЖАСОРАТГА ЎРГАТАДИ. БУНДАЙ АЁЛЛАР БИЗНИНГ ВА ДУНЁ ТАРИХИДА ЕТАРЛИЧА ТОПИЛАДИ. ШУЛАРДАН БИРИ ШУБҲАСИЗ, ОЛАМ ТАНИГАН АГАТА КРИСТИ ЭДИ.

1926 йилнинг 3 декабрь кунини Англия жанубидаги ХОНАДОНЛАРДАН БИРИДА РҲЙ БЕРГАН КЎНГИЛСИЗЛИК МИНГЛАБ КИТОБХОНЛАР ЎРТАСИДА КАТТА ШОВ-ШУВГА САБАБ БЎЛГАНДИ. ИНГЛИЗ МИЛЛАТИ ЎРТАСИДА АНЧА МАШҲУР ҲИСОБЛАНГАН БУ ОИЛАНING ЖАНЖАЛИГА ХИЁНАТ ҲАБОБ БЎЛГАН. АЁЛ ЭРИНИНГ ХИЁНАТИНИ КЕЧИРА ОЛМАГАН. БУ ВОҚЕА УНИНГ НОЗИК ҚАЛБИНИ ҚАТТИҚ ОҒРИТГАН, ҲАТТОКИ ҲАЁТИНИ ҲАМ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН. ДУНЁГА МАШҲУР ДЕТЕКТИВ РОМАНЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШИГА ҲАМ ЭРИНИНГ ХИЁНАТИ САБАБ БЎЛГАН ДЕЙИШАДИ.

АГАТА ЖУДА ТАЪСИРЧАН, АММО ЎТА ТАРБИЯЛИ ВА КАМСУҚУМ БЎЛГАН. ЛЕКИН ТУРМУШ ЎРТОҒИНИНГ БОШҚА АЁЛНИ СЕВИБ ҚОЛГАНЛИГИ УНИ БУТУНЛАЙ АҚЛДАН ОЗДИРАДИ. КУТИЛМАГАН БУ КЎНГИЛСИЗЛИКНИ ЭШИТГАНИДАН КЕЙИН АГАТА ЎЗИ УЧУН ЖУДА ОҒИР БЎЛГАН ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. ШАХСИЙ ГОНОРАРИГА ХАРИД ҚИЛГАН УЙ-ЖОЙНИ ҲАМ ТАШЛАБ, БОШ ОЛИБ КЕТАДИ. УНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ, МИНГЛАБ КИТОБХОНЛАР АДИБАНИНГ БЕДАРАК ЙЎҚОЛИБ ҚОЛГАНИДАН ШОВ-ШУВ КЎТАРИБ ЮБОРИШАДИ. ЧУНКИ, БУ ПАЙТДА АГАТА АНЧА МАШҲУР БЎЛИБ УЛГУРГАНДИ.

ДЕТЕКТИВ ЖАНРНИ ТАНЛАШИГА ЭРИНИНГ ХИЁНАТИ САБАБ БЎЛГАНМИ?

Ҳалигача Кристи ижодининг ихлосмандлари адибанинг шахсий кечинмаларига, аламлари ва дардига шерик бўлиб, унинг асарларини севиб мутолаа қилишади. Қизиқ, ҳақиқатан ҳам детектив жанрни танлашига эрининг хиёнати сабаб бўлганми? Агар бу савол сизни ҳам қизиқтирса, охиригача ўқиб чиқинг. Чунки бу сафар Агата Кристининг нафақат шахсий ҳаёти, балки миллионлар қалбини забт этиб келган ижодининг сирли жиҳатларига назар ташлайман.

У 1890 йили Англияда таваллуд топган. Болалигида жуда уятчан қизалоқ бўлган Агата ҳатто акаси ва опаси бирга ўйнаганида ҳам уларга кўшила олмас, ўз тасавуридаги қаҳрамонлар билан ёлғиз қолишни истаган экан. Энг қизиғи, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқимаган. Берилган саволларнинг жавобини билса-да, уларни айтишга журъат топа олмас, шунинг учун ҳам доим паст баҳо олар эди. Лекин бу ҳолат унинг ижодида умуман таъсир кўрсатмаган. Аксинча, Агата тасавури кучли аёл ёзувчи сифатида дунёга танилди. У ўсмирлик даврида тез-тез инглиз зодагонларининг зиёфатларига бориб турарди. Илми, маърифатли кишилар билан мулоқотда бўлган. Аста-секин ўзига бўлган ишончи ҳам орта бошлаган. Жуда ёқимтой қиз бўлгани учун ҳам лейтенант Арчибалд Кристининг эътиборини ўзига тортади. Уларнинг бу муносабати оила қуриш билан мустақамланади. Лекин, юкорида айтганимдек, уларнинг турмуши омадсиз якун топган.

Аввалига улар бахтли эди, тўйдан бир неча кун ўтиб Агата эрини биринчи жаҳон урушига кузатади. Узи эса Лондонда қолиб, яраланган аскарларни даволаш ниятида ҳарбий госпиталга ишга кириди. Илк марта хаёлида туғилган ҳикояларни шу ерда ёзиб қўядиган бўлган. Кун давомида дори-дармон ва жароҳатлар билан тўқнашиш туфайли унинг қотиллик ҳақидаги асарлари дунёга кела бошлади. Бу иш унга илҳом бағишларди. Бир вақтнинг ўзиде ҳам даволаб, ҳам ижод билан шуғулланишдан бахтли эди. Ҳамширалик ва фармацевтика ҳар ким ўрганиши мумкин бўлган энг фойдали касблардан бири эканини ўзининг хотираларида ҳам ёзиб қолдирган.

«... one of the most rewarding professions that anyone can follow»

АГАТА КРИСТИ

Турмуш ўртоғи урушдан соғ-омон қайтган, уларнинг оиласида қиз фарзанд дунёга келди. Энди улар яшайдиган хонадон оила учун торлик қиларди. Бунинг устига Арчи Кристининг ишлари ҳам юрушмай, моддий қийинчиликлар даври бошланади. Мана шу оилавий етишмовчилик ёш адибанинг асарларини адабиёт майдонида пайдо бўлишига сабаб бўлгандир. Тўғри, аввалига "Стайлздаги сирли ҳодиса"

» **1939 йилда
ёзилган "Ўнта негр
боласи" детектив
романи ўша
даврнинг ўзидаёқ
энг зўр асарлардан
бири сифатида тан
олинган. Бугун ҳам
дунё бўйича тан
олинган "Барча
даврларнинг 100
та энг зўр романи"
рўйхатида туради.
Табиийки, бу
асар ҳам 20 га
яқин давлатларда
экранлаштирилган.**

асарини олти наشريёт рад этган. Лекин еттинчи уринишда роман чоп этилади, 25 инглиз фунтида гонорар ҳам беришади. Ёш оила учун бу катта маблағ эди. Агата илк китоби чиққанидан сўнг ижодкорликни хобби эмас, касб қилишга аҳд қилади. Олти йил давомида (1920-26 йиллар) Агатанинг олти романи чоп этилди. Пуаро образи эса машҳурликда Шерлок Холмс даражасига етганди. Ёш оила ижара муаммосидан қутулиб, шаҳардан шахсий уй харид қилади.

Агатанинг бахтли кунлари узокқа чўзилмаган. Аввалига онаси вафот этади. Бунга кўникишга улгурмай туриб, яна бир бахтсизлик юз беради. Арчибалд Кристи бошқа бир аёлни севиб қолганди. У Агатага ажрашиш таклифини айтади-да, уйдан чиқиб кетади. Эрининг бу "тўхфа"сидан Агата ўзини йўқотиб қўяди. У хиёнатни кечира олмаган. Турмуш ўртоғини ҳоли қолдиришни, ҳаттоки ўз маблағига келган уйни ҳам эрига ташлаб кетишни афзал билган. Агата шу кўнгилсизликдан сўнг шаҳарни тарк этади. Ёзувчининг ҳаётида янги саҳифалар бошланади. Унинг биринчи турмуши бахтсиз якун топган бўлса-да, кейинчалик археолог Макс Меллоуэн билан танишгач, улар оила қуришади. Ўртадаги катта фарққа қарамай, Макс ўздан анча ёшга катта бўлган рафиқасини асраб-авайлаган ва умрининг охиригача улар бахтли яшашган.

Агата Кристи 1976 йил 85 ёшида



вафот этди. Адибанинг вафотидан сўнг Эркул Пуаро ҳақидаги сўнгги романи ва автобиографияси нашр этилди. **"Yaratgan egam, ezgulikka to'la umr va menga berilgan mehruhbat uchun senga tashakkur"**, деб тугатганди у ўзининг хотира дафтари.

Кристининг 60 та детектив, 6 та психолог романи ва 19 та ҳикоялар тўплами нашр қилинган. Барча китоблари 4 млрддан ортиқ нусхада жаҳоннинг юзлаб тилларига таржима қилинган. Ёзувчи ҳар бир романида қизиқарли сюжетлар, қутилмаган ечимлар, ёрқин персонажлардан фойдаланган. Та-савуур олами чексиз, фантазияси кучли эканлигини ҳаттоки кичик ҳикояларидан ҳам билса бўлади. Шунинг учун ҳам китобхонлар унинг асарларини кучли ҳаяжон, ҳатто бироз ҳадик билан ўқишади.

Қизиғи шундаки, хоҳ у катта ҳажмадаги роман ёки кичик бир ҳикоя бўлсин, воқеалар ечимини асар сўнгигача билиб бўлмайди. Қутилмаган хотима эса ҳар қандай ёшдаги китобхонни эсанкиратиб қўяди. Мутолаадан сўнг истайсизми-йўқми асар воқеаларини бирма-бир муҳокама қилишга мажбур бўласиз, бу сизга завқ бағишлайди. Сизнинг тасавуригиздаги хотиманинг акси "Наҳотки шундай бўлса?" каби саволларни қалаштириб ташлайди.

Масалан, дунёга машҳур "Қопқон" пьесаси эндигина театр сахналарида қўйила бошлаган вақтларда шундай одат бўлган. Спектакль бошланишидан аввал актёрлардан бири сахнага чиқиб, томошабинларга келганлиги учун миннатдорчилик билдирган. Сўнгра ... қотил аслида ким эканлиги ҳақида бошқаларга, яъни ҳали асарни томоша қилмаган инсонларга гапириб бермасликларини қаттиқ илтимос қилишган экан. Спектакль тугагандан кейин эса томошабинлар шов-шув кўтариб, асар муаллифини ҳам сахнага чиқишини илтимос қилишар эди.


"Пуаро тергов қилади" асари ҳам катта олқишлар билан кутиб олинган. Бу роман ҳам сирли ва қутилмаган воқеалардан иборат. 1-жаҳон уруши даврида бошпана излаб дарбадар юрган бельгиялик қочоқлардан бирининг ташқи кўриниши машҳур Пуаро қиёфасини ифодалашда ёзувчига илҳом берган экан. Аслида Агата унинг исмини ҳам билмасди. Лекин қочоқнинг тўхумсимон ва доим ялтиллаб турадиган боши, кучли ва сезгир нигоҳи, ҳафсала билан таралган мўйлови уруш бўлаётган бир даврда қочоқ бўлишига қарамай, озода ва тартибли кийиниши, ялтиллаб турадиган пойабзали ва доим ёнида олиб юрадиган чўнтак соатигача Эркул Пуаро образиде борича тавирланган.

Бу асар экранга олиб чиқилганидан кейин Агата ижодида эътибор яна ҳам кучайди. Китобларига ҳам талаб орта бошлади. Масалан, 1939 йилда ёзилган "Ўнта негр боласи" детектив романи ўша даврнинг ўзидаёқ энг зўр асарлардан бири сифатида тан олинган. Бугун ҳам дунё бўйича тан олинган "Барча даврларнинг 100 та энг зўр романи" рўйхатида туради. Табиийки, бу асар ҳам 20 га яқин давлатларда экранлаштирилган.

Ўзбек томошабинлари орасида эса бу асар 1987 йилдаги талқини билан жуда машҳур. Муаллифнинг ўзи айнан шу асарини энг яхшиси, дея эътироф этган. Кучли инсон, кучли аёл катта из, кучли ибрат қолдира олади.

Нигора ҲАСАНОВА,
адабий шарҳловчи


БИЛАСИЗМИ?



Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатган шахс БҲМнинг 100 бараваригача (33 млн сўмгача) жаримага тортилиши мумкин.

Шунингдек, ёлғон ахборот тарқатганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ушбу ҳуқуқбузарликка такроран йўл қўйса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин:

- БҲМнинг 200 бараваригача (66 млн сўмгача) миқдорда жарима;
 - 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
 - 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
 - 2 йилгача озодликни чеклаш.
- Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди...



Қонунчиликка кўра, марказлашган табиий газ таъминоти мавжуд бўлмаган, лекин иситишнинг бошқа турларидан, шу жумладан, суюлтирилган газ ёки кўмир маҳсулотларидан фойдаланаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳам табиий газ учун компенсация тўланиши белгиланган.

Аммо, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустаснодир.

БОЖХОНА ҚОЙДАСИ БУЗИЛСА...



Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда божхона чеғарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

- БҲМнинг 300 бараваригача миқдорда жарима;
- 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш;
- 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

!Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди...



Қонунчиликка кўра, кафиллик шартнома бўйича бошқа шахсининг мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиш ҳисобланади.

Шунингдек, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ёзма шаклда тузилмаган кафиллик шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

t.me/huquqiyaxborot

ЎСИМЛИК МОЙИ ЕТАРЛИМИ?

ДУНЁДАГИ ВАЗИЯТ СОАТ САЙИН ЎЗГАРМОҚДА. ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУАММОЛАР, ҚУРОЛЛИ НИЗОЛАР, ТАБИИЙ ОФАТЛАР, СУВ ТАНҚИСЛИГИ, ҚУРҒОҚЧИЛИК КАБИ МУАММОЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА. ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИНИНГ АСОРАТЛАРИ ЙИҒИЛИБ, ОДАМЛАР ҲАЁТИГА, ТУРИШ-ТУРМУШИГА, АЙНИҚСА, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХ-НАВОСИ ОШИШИ ЁКИ ТАНҚИСЛИГИГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА.

ТЎРТ КИШИ ТЎПЛАНГАН ЖОЙДА Ё ҒЎШТИНИНГ, Ё ГУРУЧНИНГ ЁХУД ЁҒНИНГ НАРХИ, КЎП ЁКИ КАМЛИГИДАН ГАП ЧИҚАДИ. БИРОВ БИЛИБ, БИРОВ БИЛМАЙ ГАПИРАДИ. БУ ЙИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН ЎСИМЛИК МОЙИ АҲОЛИГА ЕТАДИМИ?



Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг департамент бошлиғи Зафар Ортиқов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

– Кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ички бозорларда нархлар барқарорлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талабини ички ишлаб чиқариш ҳисобидан қоплаш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда халқимизнинг пахта ёғи истеъмоли камайиб, кунгабоқар, соя, кунжут, махсар ва зиғир каби ўсимликлар мойи истеъмолига талаб кескин ортди.

Тахлилларга кўра, мамлакатимизда ўсимлик ёғига талаб 560 минг тонна, шундан 470 минг тонна аҳоли истеъмолига, яъни киши бошига 13,1 кг. ҳамда чорвачилик ва паррандачиликка 90 минг тонна ташкил этади.

Жорий йил ҳосили учун 224 минг гектар ёки ўтган йилдан 52 минг гектар кўп, жумладан, 103 минг гектар соя, 53 минг гектар кунгабоқар, 33 минг гектар кунжут, 22 минг гектар махсар, 13 минг гектар зиғир каби мойли экинлар экилди.

Республика бўйича жами 435 минг тонна, шундан 350 минг тонна пахта ва 85 минг тонна бошқа ўсимликлар мойи етиштирилади. Бу эса аҳоли йиллик истеъ-

» **АҲОЛИ ИСТЕЪМОЛИ УЧУН ЕТИШМАЙДИГАН 35 МИНГ ТОННА ВА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ УЧУН 90 МИНГ ТОННА, ЖАМИ 125 МИНГ ТОННА ЎСИМЛИК МОЙИ ИМПОРТ (АСОСАН РОССИЯ, УКРАИНА, ҚОЗОҒИСТОН ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН) ҚИЛИНМОҚДА.**

мол талабининг 92 физини таъминлайди. Аҳоли истеъмоли учун етишмайдиган 35 минг тонна ва чорвачилик тармоқлари учун 90 минг тонна, жами 125 минг тонна ўсимлик мойи импорт (асосан Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан) қилинмоқда. Сўнги йилларда мойли экинлар майдони 2,2 баробарга кенгайиши ва ҳосилдорликнинг 5-6 центнерга

ошиши натижасида ўсимлик мойи импорти 2020 йилга нисбатан 75 минг тоннага камайган.

ФАКТЛИ ЯНГИЛИКЛАР

Бугунги кунда республикада соянинг маҳаллий селекцияга оид Ҳосилдор, Маданият Б, Тўмарис, Тошкент, Социлмас, Генетик-1, Нафис, Орзу каби навлари ҳамда Россия, Сербия, Туркия селекциясига мансуб Селекта 201, Селекта 302, Аванте, Арлетте, Спарта, Браво, Нива каби навларининг уруғчилиги йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, лалми майдонлардан самарали фойдаланилиб, махсар ва зиғир етиштириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Маҳаллий селекцияга мансуб махсарнинг Жиззах 1, Сахро маликаси, Нодир, Ғаллаорол, зиғирнинг Бахмал, Баҳорикор каби навлари майдонлари 30 минг гектарга кенгайган.

Соҳа олимлари томонидан олиб борилган кенг синовлар натижасида кунгабоқарнинг тезпишар, мойлилик даражаси юқори (45-50 фоиз) бўлган 69 та (шундан 36 та хоржий, 33 та маҳаллий) нав ва дарагайлари республика ҳудудларида экиш йўлга қўйилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

БУ ЙИЛ АНОМАЛ СОВУҚ КУТИЛМАЯПТИ



ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ АГЕНТЛИГИ ЎТКАЗГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ОБ-ҲАВО ЎЗГАРИШИ, АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК ХАВФИ ҲОДИСАЛАРДАН ОҒОҲЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.

ЖУМЛАДАН, ИҚЛИМ МОНИТОРИНГИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎРТАЧА ЙИЛЛИК ҲАРОРАТ ТАХМИНАН 1,6 °С, ЯЪНИ ЎРТАЧА 13,2 °С ДАН 14,8 °С ГАЧА КўТАРИЛГАНИНИ КўРСАТМОҚДА. БУ ЭСА ИСИШ ТЕЗЛИГИ ГЛОБАЛ МИҚЁСДА КУЗАТИЛГАН ЎРТАЧА КўРСАТКИЧДАН ЮҚОРИЛИГИНИ АНГЛАТАДИ.

2030-2050 йилларда Марказий Осиё минтақасида ҳаво ҳарорати 1,5-3 даражага кўтарилиши прогноз қилинмоқда. Асосан Оролбўйи ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) ҳаво ҳароратининг энг кўп кўтарилиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, об-ҳавонинг бундай кескин ўзгариб бориши ёғинлар камайиши, ерлар деградацияси, чанг бўронлар сонининг ортиши, биологик хилма-хилликнинг

қисқариши ҳамда атроф табиий муҳитининг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келади.

Хабарингиз бор, жорий йил 11 сентябрь куни ғарбий ҳаво фронтининг кириб келиши ва шамол тезлигининг 15 м/с гача кучайиши ҳисобида Тошкентда чангли бўрон кузатилди. Ўтказилган таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда чанг бўронларига сабаб бўлувчи ташқи ва ички омиллар мавжуд. Ташқи омил бу

Қозоғистон, Туркменистон ва Афғонистон ҳудудларида глобал иқлим ўзгариши таъсирида ёмғир миқдори кескин камайгани, сув ҳавзалари қуриши фонидида суғориладиган ерларнинг деградацияга учраши сабабли чўлланиш авж олиб, кучли бўронлар содир бўлмоқда ва қумчанг кўтарилиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётганидир.

Ўзбекистоннинг Ғарбий (Бухоро) ва Жанубий (Қашқадарё ва Сурхондарё) вилоятларига эса Туркменистон ва Шимолий Афғонистоннинг (Афғон самолти) чўл ҳудудларида кўтарилган қум ва чанг бўронлар кириб келмоқда.

Ички омиллар эса мамлакатда чўлланиш ва яйловлар деградациясининг авж олиши, қурилиш майдонлари сонининг ортиши натижасида шамол фонидида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилиши, атмосферага санот корхоналари ва автомашиналар томонидан зарарли тўтунларнинг чиқарилиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда 26 та шаҳардаги 66 та стационар постларда кунига 3 марта ҳаводан намуна олиш амалга оширилади.

Бу йил ҳам аномал совуқ кутиляптими, деган саволга Гидрометеорологик таъминот бошқармаси бошлиғи Азимжон Нарзуллаев қуйидигача жавоб берди:

– Қиш ойлари учун об-ҳаво прогнозлари бўйича айтиш мумкинки, 2023-2024 йил қиш мавсумида 2023 йил январдаги каби жуда паст даражадаги аномал совуқ ҳарорат кутилмаври мавжуд эмас.

2023-2024 йилларнинг қиш мавсумида ҳаво ҳарорати –7... –12 даражагача, шимолда –17... – 22 даражагача тушиши мумкин. Об-ҳавода қисқа муддатли бундай совуқ тушишлар одатий ҳол ҳисобланади.

Бундан ташқари, гидрометеорология соҳасида фаолият юритадиган барча давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқилса, 3 кунлик об-ҳаво прогнозларининг оқлаши даражаси юқори, 5 кунликники эса 80-90 фоизни ташкил этади. 1 ой аввал бериладиганлари эса нормага нисбатан иқлимий маълумотлар ҳисобланади.

Тоштемир МУРОД.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ВА ЁРДАМЛАРНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Мамлакатимизда 2023 йил 15 октябрдан бошлаб “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилмоқда. Мазкур марказларга муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига кўмак бериш учун бир қанча ваколатлар берилди.

Бу борада Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси раҳбари Отабек Нарзиев батафсил маълумот берди.

– 2023 йил 2 октябрда ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳоли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли олти ой муддатгача вақтинча уй-жойга жойлаштирилиши тартиби белгиланди.

Унга кўра, 2023 йил 15 октябрдан бошлаб дастлаб 28 та туман (шаҳар)ларда эксперимент тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар гуруҳлари кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, 15 октябрдан бошлаб талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида киритиш “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг қарорига асосан амалга оширилади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг агентлиги хузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ушбу қарор асосида бир қанча ваколатлар берилди. Жумладан, агентлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади. Эндиликда ижтимоий ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ўрнатилган тартибда агентлик томонидан тасдиқланади. Ижтимоий ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган мукофотлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Шунингдек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда ижтимоий ходимлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ давлат харидлари, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

Агентлик зиммасига 2024 йил 1 январга қадар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва зирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда “маҳалла еттилиги” томонидан ягона саволнома асосида маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли муаммоларини аниқлаш тизими йўлга қўйилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

ЎЗА мухбири
Гулноза БОБОЕВА
ёзиб олди.



Кўп бериладиган саволлар

Фарзандим энди 4 синфга борапти. Пулларини кўп йўқотиб келадиган бўлиб қолди. Нақд пуллардан кўра, банк картасида сақлаш қулайроқ, деган мақсадда унга ўз картамизни бериб юборишни ўйлодик. Бошқа томондан, унда барча даромадларимиз сақлангани учун бу хавfli ҳам туюляпти. Бу масалага қандай ечим таклиф қила оласиз?

Бу борада сизга болалар банк карталарини таъмина қила оламиз. Уни мамлакатдаги турли тижорат банкларида расмийлаштиришингиз мумкин. Картага ўзингиз истаган миқдорда пул ўтказиб, сарфланадиган чикимларига кўра, лимит ўрнатилишингиз ҳам мумкин бўлади.

Тоштемир МУРОД.

REKLAMA O'RNIDA

+20 Корақалпоғистон Республикаси
+22 Хоразм+18 Бухоро
+23 Навоий+25 Тошкент Самарқанд
+30 Жиззах Сирдарё+27 Қашқадарё
+32 Сурхондарё+24 Андижон Наманган
+29 Фарғона+27 Тошкент
+29 шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
МАМЛАКАТИМИЗДА СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,
СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР
АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ
10 ИЮЛДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 –
2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ
ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАМ
УШБУ ЖАРАЁНЛАРДА КАТТА ЎРИН
ТУТМОҚДА.



ОТА-ОНА ДУОСИНИ ОЛИБ,

ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ИНСОН



– Сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда, – дейди "Тошкент сув қурилиш инвест" давлат муассасаси раҳбари Сайридин Эргашев. – Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган давлат муассасаси ҳам фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда ушбу жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Давлат капитал кўйилмалари ҳисобидан амалга оширилаётган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар ҳамда бошқа мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш, мелиоратив объектлардаги авария-тиклаш ва бошқа кўзда тутилмаган ишларни мўлжалланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнозининг бажарилишини таъминлаш корхонамизнинг асосий вазифаси саналади. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан шартнома асосида сув хўжалиги

ва бошқа соҳалардаги объектларнинг қурилишида буюртмачи вазифасини ҳам бажариб келаяпмиз. Фаолиятимиз давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари (масалан, ШНК, ҚМК, идоровий меъёрлар ва бошқалар) га амал қилган ҳолда лойиҳа ечимларининг самарадорлигини таъминлаш, архитектура ва шаҳарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш, объектлар қурилишини бошқариш ва техник кузатишга алоҳида эътибор қаратиб келаяпмиз.

Сухбатдошимизнинг маълум қилишича, "Тошкент сув қурилиш инвест" давлат муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган манзилли дастурга киритилган объектлар бўйича ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ирригация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастурига асосан 37406,0 млн.сўм маблағ доирасида 15 та (9 та олдинги йилдан-йилга ўтувчи ва 6 та янгидан бошланувчи) объектларда 12,9 км канал, 9,9 км узунликда лоток тармоқлари, 3 дона ГТИ, 52 дона тик кудук, 2,1 км узунликдаги насос қувурларида реконструкция ва қуриш ҳамда 1,2 км химоя ишлари режалаштирилган.

6 та янгидан бошланувчи (4 та селтошқин) объектлардан барчаси бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, хулосалар олинган, 2 таси бўйича пудрат ташкилотлари аниқланган. Қолган 4 таси бўйича манзилли дастурга ўзгартириш киритилиб, келишиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилинган.

Олдинги йиллардан ўтувчи объектларда ишлар бошланиб, 20032,8 млн.сўм маблағ доирасида 7,0 км узунликдаги канал, 1,7 км узунликдаги лоток тармоқларда реконструкция қилиш ишлари бажарилган.

– 2023 йилда Мелиоратив объектларида қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастурига асосан 7166,5 млн.сўм маблағ доирасида 2 та (2 та олдинги йиллардан



ўтувчи) объектда 5,1 км ёпик-ётиқ дренаж ва 6 дона тик дренаж кудуқлар қуриш ишлари режалаштирилган, – дейди Сайридин Эргашев. – Олдинги йиллардан ўтувчи Бекобод туманидаги Далварзин, Мавлонов, Деҳқонобод, Авангард ва Ойбек худудларида тик дренаж кудуқларини қуриш ишлари бошланиб, 2124,7 млн.сўм маблағ доирасида 10 дона тик дренаж кудуғини қуриш ишлари бажарилди. 2023 йил Мелиоратив объектларида таъмирлаш-тиклаш манзилли дастурига асосан 32126,3 млн.сўм маблағ доирасида 17 та объектда 1250,0 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари режалаштирилган. Янгидан бошланувчи 17 та объектнинг барчаси бўйича пудрат ташкилотлари аниқланган бўлиб, жорий йилнинг сентябрь ойи ҳолатига 16473,0 млн.сўм маблағ доирасида 651,8 км узунликдаги коллекторларда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Корхонамизда 32 та доимий иш ўрни яратилган бўлиб, 100 нафарга яқин мавсумий ишчиларни ҳам жалб этганмиз. Ишчи-ҳодимларга барча шароитлар яратилган.

Бугунги мақоламиз қаҳрамони Сайридин Эргашев 1962 йил 2 майда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган.

– Ота-онам бизга ҳалол меҳнатнинг меваси ширин бўлишини доимо ўқтириб, шунга амал қилишга ўргатиб келган, – дейди сухбатдошимиз. – Оилада 6 нафар фарзандимиз. Мен 1982-87 йилларда Тошкент автомобиль йўллари институтининг йўл-қурилиш факультетига тахсил олдим. 24 йил давомида Паркентдаги автобус-такси йўналишини мувофиқлаштирувчи корхонада раҳбар бўлиб ишладим. 2008 йилдан сув хўжалиги тизимида бор куч-ғайратимни, тажрибамни қўллаб иш олиб бораёпман. Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамраевни, шунингдек, Илҳом Эргашев, Баҳодир Рўзиевни ўзимга устоз деб биламан. Айни

пайтда ўзимнинг ҳам кўплаб шогирдларим бор, улар билан ҳамфикрликда ҳар бир лойиҳанинг муқаммал бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, иш олиб бораёпмиз.

Маълумки, кейинги йилларда бевосита Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилоятида жуда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Сайридин Эргашев раҳбарлик қилаётган "Тошкент сув қурилиш инвест" давлат муассасаси жамоаси ҳам вилоятдаги ободонлаштириш-қурилиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жамоа 16 та йирик қурилиш объектларини давлат дастури асосида сифатли ва замонавий қилиб қуриб топшириш учун қурилиш жараёнларида астойдил меҳнат қилмоқда.

– Жамоамиз билан "Нурафшон Сити" лойиҳаси доирасида сунъий кўлнинг барпо этилишига ҳиссамизни қўшдик, – дейди сухбатдошимиз. – Кўлни узлуксиз сув билан таъминлаш мақсадида 3 минг 546 метр жойга бетон канал бунёд этдик. Ҳозирда жамоамиз билан вилоятдаги "Янги Ўзбекистон" боғининг қурилиш ишларида иштирок этаяпмиз. Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ҳар бир ишнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўринли маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини бериб бораётгани учун вилоят ҳокимига жамоамиз номидан миннатдорлик билдираман.

Халқимизда эл-юрт равнақи учун хизмат қилганлар доим қадрланган, эъзозланган. Сайридин Эргашев раҳбарлик қилаётган жамоа томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасига қиради. Жамоага ўз олдиларига қўйган улкан мақсадларга эришишларини тилаб қоламиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 1036. 6766 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.